

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БҮЙРУГИ

652 *Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинадиган норматив-хуқуқий хужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, юридик-техник расмийлаштириш ва хуқуқий экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2014 йил
31 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2420-2*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 2 декабрдаги 328-сон «Конун хужжатларининг тадбиркорлик фаолиятига таъсирини баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман**:

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2013 йил 1 февралдаги 29-мҳ-сон бўйруги (рўйхат рақами 2420, 2013 йил 1 февраль) (Ўзбекистон Республикаси конун хужжатлари тўплами, 2013 й., 5-сон, 65-модда) билан тасдиқланган Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинадиган норматив-хуқуқий хужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, юридик-техник расмийлаштириш ва хуқуқий экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва Идоравий меъёрий хужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси (Б. Болиев) Идоравий норматив-хуқуқий хужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритисин.

3. Конун хужжатларини турқумлаш ва хуқуқий ахборот бошқармаси (Д. Саъдуллаев) ушбу идоравий норматив-хуқуқий хужжатни «Ўзбекистон Республикаси конун хужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да нашр этилишини таъминласин.

4. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

5. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари М. Икрамов зиммасига юклансин.

Вазир

Н. ЙўЛДОШЕВ

Тошкент ш.,
2014 йил 31 декабрь,
315-мҳ-сон

Ўзбекистон Республикаси
адлия вазирининг 2014 йил 31 декабрдаги
315-мҳ-сонли бўйргуфига
ИЛОВА

**Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул
қилинадиган норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини
тайёрлаш, юридик-техник расмийлаштириш ва хуқуқий
экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага
киритилаётган ўзгартериш ва қўшимчалар**

1. 20¹-бандда:

биринчи хатбоши «унинг» деган сўздан кейин «(ёки унинг қисмлари-
нинг)» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

иккинчи хатбоши «войиҳаларга» деган сўздан кейин «(ёки унинг қисм-
ларига)» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

2. 54-банд қўйидаги мазмундаги олтинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«войиҳанинг муҳокамадан ўтказилганлиги ва унинг натижалари ҳақидаги
маълумотлар (агар лойиҳа Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 2 декабрдаги
328-сон қарори билан тасдиқланган Ишлаб чиқилаётган норматив-хуқуқий ҳужжат-
ларнинг тадбиркорлик фаолиятига таъсирини Ўзбекистон Республикасининг
Интерактив давлат хизматлари ягона портали орқали баҳолаш тартиби
тўғрисидаги низомнинг 4-бандига мувофиқ муҳокама қилиниши керак
бўлса);»;

олтинчи ва еттинчи хатбошилар тегишинча еттинчи ва саккизинчи хат-
бошилар деб хисоблансин.

3. 71-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«71. Тақдим этилган лойиҳа қўйидаги ҳолларда адлия бошқармалари
томонидан 2 иш куни ичida хulosasiz мазкур Йўриқноманинг 1 ёки 1¹-илю-
валарига мувофиқ шаклдаги кузатув хати орқали хуқуқий экспертиза ўтка-
зилмасдан ишлаб чиқувчига қайтарилади:

loyiҳa норматив-хуқуқий хусусиятга эга бўлмаса;

loyiҳa барча манфаатдор органлар томонидан уларнинг биринчи раҳ-
барлари (истисно ҳолларда — уларнинг биринчи ўринбосарлари) даражаси-
да келишилмаган бўлса;

loyiҳaga мазкур Йўриқноманинг 68-бандида кўрсатилган ҳужжатлар
илова қилинмаган бўлса;

маълумотномада лойиҳанинг муҳокамадан ўтказилганлиги ва унинг на-
тижалари тўғрисидаги маълумотлар (агар лойиҳа Вазирлар Маҳкамасининг
2014 йил 2 декабрдаги 328-сон қарори билан тасдиқланган Ишлаб чиқила-
ётган норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг ва қабул қилинган
норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг тадбиркорлик фаолиятига таъсирини Ўзбе-
кистон Республикасининг Интерактив давлат хизматлари ягона портали

52 (I)-сон

— 67 —

652-модда

орқали баҳолаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 4-бандига мувофиқ мухо-
кама қилиниши керак бўлса) акс эттирилмаган бўлса.».

4. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг иловасига мувофиқ мазмун-
даги 1¹-илова билан тўлдирилсин:

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари
томонидан қабул қилинадиган норматив-
хуқуқий хужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш,
юридик-техник расмийлаштириш ва хуқуқий
экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисидаги
йўриқномага киритилаётган ўзгартириш ва
қўшимчаларга
ИЛОВА

«Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари
томонидан қабул қилинадиган норматив-
хуқуқий хужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш,
юридик-техник расмийлаштириш ва хуқуқий
экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисидаги
йўриқномага
1¹-ИЛОВА

Намуна

**O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGI**
**SIRDARYO VILOYAT ADLIYA
BOSHQARMASI**

120100, Гулистон шаҳри,
Ал-Хоразмий кўчаси, 24-үй.
Тел: (3672) 25-00-93, Факс: 25-09-69
Электрон почта: sirdaryo@minjust.gov.uz

2015 йил 9 январь 02/2166-сон

*Сизнинг 2015 йил 7 январдаги
1-98-сонли хатингизга*



**MINISTRY OF JUSTICE OF THE
REPUBLIC OF UZBEKISTAN**
**DEPARTMENT OF JUSTICE OF
SYRDARYA REGION**

24, Al-Horazmy Street, Gulistan city, 120100
Phone: (3672) 25-00-93, Fax: 25-09-69
e-mail: sirdaryo@minjust.gov.uz

**Сирдарё вилоят ҳокими
О. Ашурматовга**

Сирдарё вилоят адлия бошқармаси томонидан вилоят ҳокимининг
«2015 йил учун бозорлар ва савдо комплексларининг маъмурияти томони-
дан ундириб олинадиган бир марталик ўйфимлар, ижара тўлови ва кўрсати-
ладиган хизматлар қийматининг миқдорларини белгилаш тўғрисида»ги қарори
лоиҳаси, Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 2 декабрдаги 328-сон қарори
билан тасдиқланган Ишлаб чиқилаётган норматив-хуқуқий хужжатлар лойи-
ҳаларининг ва қабул қилинган норматив-хуқуқий хужжатларнинг тадбиркор-
лик фаолиятига таъсирини Ўзбекистон Республикасининг Интерактив дав-
лат хизматлари ягона портали орқали баҳолаш тартиби тўғрисидаги низом-

652-653-моддалар

— 68 —

52 (I)-сон

нинг 4-бандига зид равишда, Ўзбекистон Республикасининг Интерактив давлат хизматлари ягона порталида муҳокама қилиш учун жойлаштирилмаганлиги туфайли, хуқуқий экспертизадан ўтказилмасдан қайтарилилмоқда.

Лойиҳа белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасининг Интерактив давлат хизматлари ягона порталида тадбиркорлик фаолиятига таъсирини баҳолаш учун жойлаштирилиши, шунингдек муҳокама иштирокчиларининг тақдим этган таклифлари умумлаштирилиб, кўриб чиқилгандан сўнг адлия бошқармасига хуқуқий экспертизадан ўтказиш учун қайта тақдим этилиши лозим.

Илова: қарор лойиҳаси ____ варақда

Бошқарма бошлиғи

А. ТОШҚУЛОВ».